

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ТАСАРРУФИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.29.12.2018.S.23.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МАННАНОВА НИЛУФАР ХОДЖАКБАРОВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА ПЕДАГОГ КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ТИЗИМИДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА
РИВОЖЛАНИШИ**

22.00.03-Ижтимоий онг ва ижтимоий жараёнлар социологияси

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2019

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по социологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the
Doctor of Philosophy (PhD) on sociological Sciences**

Маннанова Нилуфар Ходжакбаровна Ўзбекистонда педагог кадрлар малакасини ошириш тизимида масофавий таълимнинг шаклланиши ва ривожланиши	3
Маннанова Нилуфар Ходжакбаровна Формирование и развитие дистанционного образования в системе повышения квалификации педагогических кадров в Узбекистане	21
Mannanova Nilufar Xodjakbarovna Formation and development of distance education in the retraining system of pedagogical stuff in Uzbekistan	41
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	45

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ТАСАРРУФИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.29.12.2018.S.23.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МАННАНОВА НИЛУФАР ХОДЖАКБАРОВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА ПЕДАГОГ КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ТИЗИМИДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА
РИВОЖЛАНИШИ**

22.00.03-Ижтимоий онг ва ижтимоий жараёнлар социологияси

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Sots12 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.dba.uz/uz/tadqiqotchilarga/ilmiy-kengash) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган..

Илмий раҳбар:	Бекмуродов Мансур Бобомуродович социология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ганиева Марифат Хабибовна социология фанлари доктори, профессор Исроилов Бектош Эркинович фалсафа фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Тошкент ахборот технологиялари университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги DSc.29.12.2018.S.23.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоом Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: (71) 232-60-47; факс: (71) 239-17-83; e-mail: info@dba.uz. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси маъмурий биноси, ___-кават, ___-хона)

Диссертацияси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоом Каримов кўчаси, 45-уй. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси маъмурий биноси. Тел.: (71) 232-60-47.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Б.Бекмуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, социология фанлари доктори, профессор

А.Б.Юнусов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, социология фанлари номзоди, доцент

Ш.М.Содиқова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси, социология фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда ривожланган мамлакатларнинг тараққий этиши барча муҳим соҳалар билан бир қаторда таълим соҳасининг трансформациялашуви ҳамда жамиятда рақобатбардош мутахассисларнинг етишиб чиқиши натижасида ҳам содир бўлмоқда. Бу ўз навбатида, етук мутахассисларни кенг қамровда, тезкор ва самарали тарзда тайёрлаш учун масофадан малакасини ошириш тизимини ривожлантириш заруриятини юзага келтирмоқда. Шу боисдан ҳам таълим берувчи субъектлар бўлган педагог кадрлар малакасини ошириш тизимида инновацион ахборот технологияларини жорий этиш ва масофавий таълимни такомиллаштириш долзарб вазифалардан биридир.

Ривожланган мамлакатларда педагог кадрларни илмий, амалий, методик малака оширишлари учун зарур шарт-шароит яратиш, ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш механизмлари жорий этилган. Дунёдаги етакчи университетлар, илмий тадқиқот марказларидаги малака ошириш тизимида масофавий таълимни ривожлантиришга доир илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, масофавий таълим имкониятларининг миллий ва халқаро даражадаги таҳлили, тарихий шаклланиш босқичлари, ташкил этиш усуллари ва механизмлари, функциялари ҳамда хусусиятларининг замонавий жараёнларга мутаносиб тарзда ўзгариб боришига оид махсус тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Мазкур тадқиқотлар натижалари педагоглар малакасини ошириш тизимида масофавий таълим мазмунини такомиллаштириш, давлат, жамият, инсон манфаатига мувофиқ бўлган инновацион механизмларини ишлаб чиқиш, модификациялаштирилган моделини шакллантириш заруриятини асослайди.

Ўзбекистонда жадал кетаётган ўзгаришлар таълим тизимида ҳам замонавий билим ва малакаларни тезкор суръатларда татбиқ қилишни долзарб масалалар қаторига олиб чиқди. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш самарадорлигини ошириш каби вазифалар белгиланган¹. Шу маънода юқори малакали кадрларни тайёрлаш самарадорлигини ошириш мақсадида малака ошириш тизимини такомиллаштиришга ижобий таъсир кўрсатувчи масофавий таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш жараёнларини концептуал тадқиқ этиш, муаммоларни бартараф этишга қаратилган социологик тадқиқот ишларини олиб бориш долзарб аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги ПФ-5789-сонли “Олий таълим

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 3 февралдаги ПҚ-3504-сонли “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ҳамда 2017 йил 26 сентябрдаги ПҚ-3289-сонли «Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Малакали кадрларни масофадан ўқитиш тизимида замонавий технологиялардан фойдаланишнинг янги педагогик назарияси ва амалиёти масалалари, унинг дидактик ва методик асослари, шунингдек, педагог ходимлар малакасини ошириш тизимида масофадан ўқитишнинг инновацион технологиялардан фойдаланиш муаммолари ўзбекистонлик олимлар А.Абдуқодиров, М.Арипов, У.Бегимкулов, М.Лутфиллаев, Н.Муслимов, А.Расулов, Н.Тайлақов, М.Рахматуллаев, Н.Рахмонкулова, хорижлик тадқиқотчилар А.Amadco, J.Baggaley, P.Goodwyn, T.Anderson, H.Kappel, B.Lehmann, J.Loerer, B.Holmberg, M.Douglas, P.Taylor² ишларида ўрганилган.

Бундан ташқари, педагог кадрлар малакасини ошириш жараёни россиялик социолог тадқиқотчилар А.Л.Абрамовский, А.Андреев, С.Богданова, Ю.Л.Баскакова, М.Л.Белоножко, Д.А.Иванченко, Е.А.Колганов, Н.А.Корнеева, И.А.Крутий, В.И.Солдаткинлар томонидан тадқиқ этилган.

Таълим тизими, шунингдек, педагог кадрлар малакасини оширишнинг назарий, ижтимоий-иқтисодий асослари, касбий тайёргарлик, таълим сифати менежментини такомиллаштириш, жамиятни ахборотлаштиришнинг социологик масалаларини ўзбекистонлик олимлар М.Бекмуродов, А.Умаров, М.Ганиева, А.Холбеков, А.Муминов. О.Абдуазимов ва бошқа олимлар ўрганишган.

Масофавий ўқитиш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш, ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш муаммолари ўзбекистонлик олимлар А.Аминов, А.Аскарлов, Н.Елдашева, А.Ибраймов, Д.Сайфулов, Ш.Шарипов, М.Яхъяевлар, хорижий тадқиқотчилар А.Bates,

² Бу ва бошқа муаллифларнинг илмий ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Z.Berge, J.Daniel, B.Holmberg, M.Dougiamas, A.Андреев, Н.Гаврилов, А.Корякина, О.Осипова, В.Парамзина, Е.Полат, А.Шабанов, К.Шарифзянова ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Хусусан, А.Ибраймовнинг “Умумтаълим мактаби физика ўқитувчилари масофавий малака оширишларининг илмий-методик асосларини такомиллаштириш” мавзусидаги педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси, А.Аскаронинг “Халқ таълими ходимлари малакасини масофадан ошириш тизимини такомиллаштириш” мавзусидаги педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси шулар жумласидандир.

Шунга қарамай, мавжуд илмий тадқиқотларда Ўзбекистонда педагог кадрлар малакасини масофадан ошириш тизимининг шаклланиши ва ривожланиши, ташкилий-педагогик босқичларидаги субъектлар фаолиятини фаоллашувига таъсир этувчи омилларнинг тадқиқ этилмаганлиги, малака ошириш тизими мақсадини рўёбга чиқаришга доир илмий-амалий муаммоларнинг мавжудлиги замонавий илмий ёндашувлар, янги билимларни ўзлаштиришга бўлган ижтимоий талабнинг илмий ва амалий аҳамият касб этишини кўрсатади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот режаларига мувофиқ “Фуқаролик жамияти шаклланиши шароитида ижтимоий ҳодиса ва жараёнларни тадқиқ этиш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда педагог кадрлар малакасини оширишда масофавий таълимнинг ривожланиши ва ижтимоий самарадорлиги таъминланиши имкониятларини социологик тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

масофавий таълим технологиясидан самарали фойдаланишнинг турли имкониятларини тизим ясовчи элементлар сифатида комплекс ўрганиш;

экспертлар, педагоглар ва тингловчиларнинг масофавий таълимга бўлган муносабатини социологик таҳлил этиш орқали масофавий таълимнинг кадрлар малакасини оширишдаги потенциал имкониятларини тадқиқ этиш;

таълим тизими доирасида масофадан ўқитиш шакли имкониятларидан самарали фойдаланиш жараёнини модернизациялаш ҳолатини социологик таҳлил қилиш;

малакали педагог кадрлар малакасини ошириш тизимида масофавий таълимни ривожлантиришнинг инновацион механизмларини шакллантириш;

педагог кадрлар малакасини масофавий ошириш модели компонентларини такомиллаштириш тизимини тадқиқ этиш;

миллий таълим тизимининг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олган ҳолда масофадан ўқитишнинг инновацион модели мазмунини социологик тавсифлаш.

Тадқиқотнинг объекти педагог кадрлар малакасини ошириш тизимида масофавий таълимнинг ривожланиш жараёни ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети масофавий таълимнинг шаклланиши ва ривожланиши, шакл ва воситалари, педагог кадрлар малакасини масофадан ошириш тизимининг амал қилиш босқичларини социологик тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихий-мантикий, тузилмали-функционал таҳлил, моделлаштириш, сифатли ва миқдорий тадқиқот методлари: эксперт сўрови ва анкетали сўров каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

масофавий таълим жараёнлари тизими қаторига функционал ва мотивацион элементларнинг уйғунлаштирилиши виртуал таълим самарадорлигининг ошишига ва жамоатчилик фикри таъсирчанлигига ижобий таъсир кўрсатиши асосланган;

педагог кадрлар малакасини масофадан ошириш тизимини “техник” – “технологик” – “мазмун” мезонлари асосида баҳолаш ва сифатини аниқлаш ҳамда масофавий таълимни ривожлантириш бўйича социологик сўровноманинг модификациялаштирилган ижтимоий шакли (манбалар, дизайн, етказилиши, ўзаро таъсир, ўқув муҳити) ишлаб чиқилган.

тингловчиларнинг таълимга ижтимоий тайёргарлиги (оилавий шароити, турмуш тарзи, ишхона, таълим муассасаларидаги шарт-шароитлар) ва социал мослашуви (мавжуд вазиятда ўз имкониятларини баҳолай олиши, ўз хулқ-атворини мақсадга мослаштира олиш) имкониятларини ўз ичига олган ижобий диспозициянинг шаклланганлиги масофавий таълим сифатини ошириши аниқланган;

Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларини амалга ошириш натижасида юзага келаётган ижтимоий ўзгаришлар динамикасига негатив таъсир кўрсатувчи ижтимоий индикаторларнинг Ўзбекистонда масофавий таълимни жорий қилишга кўрсатаётган салбий таъсири эксперт сўрови орқали очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

педагог кадрлар малакасини ошириш тизимида масофадан таълимни ривожлантириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

педагог кадрлар малакасини оширишда масофавий таълимни ривожлантириш жамиятга иқтисодий ва ижтимоий-маънавий жиҳатдан самарали эканлиги асосланган;

масофадан малака ошириш жараёнида “Педагог кадрлар малакасини масофадан ошириш тизимини ташкил этиш модели” ишлаб чиқилган;

«Ўзбекистонда масофавий таълим тизими шаклланиши ва ривожланишининг социологик таҳлили» мавзусидаги социологик тадқиқот дастурини жорий этиш орқали масофавий таълим самарадорлигини таъминлашнинг қайтар алоқа усули жорий этилиб, тингловчиларнинг

машғулотлар мазмунини ўзлаштирганлик ҳолатини узлуксиз назорат-таҳлил қилиш йўлга қўйилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, ўтказилган социологик сўровлар, интервьюлар, хулосалар, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти педагог кадрлар малакасини масофадан оширишнинг ижтимоий жараёнга таъсирини асослаш ва ўрганилаётган билимлар мазмунини илмий-услубий жиҳатдан кучайтириш, ушбу жараённинг шаклланиш хусусиятлари, ривожланиш омиллари, такомиллашувидаги муаммолар социологик нуқтаи назардан таҳлил қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертациянинг хулоса ва тавсияларидан мамлакатимизда масофавий таълим жараёнини тизимли таҳлил қилиш орқали самарадорликни ошириш, социологик тадқиқ этиш дастури ва сўровномасидан фойдаланиб, масофавий таълим сифатини ўрганиш ва шу асосида малака ошириш тизимини оптималлаштиришга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Ўзбекистонда педагог кадрлар малакасини ошириш тизимида масофавий таълимнинг шаклланиши ва ривожланиши” мавзусидаги тадқиқот давомида олинган илмий натижалар асосида:

масофавий таълим жараёнлари тизими қаторига функционал ва мотивацион элементларнинг уйғунлаштирилиши жамоатчилик фикри таъсирчанлигига ижобий таъсир кўрсатишига доир таклиф ва тавсияларидан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан 2018 йилда “Таълим соҳасида коррупция ҳолатини социологик ўрганиш мавзусида ўтказилган тадқиқотда назарий-методик асос сифатида фойдаланилган (Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг 2018 йил 3 майдаги 11/224-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар таълим тизимидаги ижтимоий муносабатларни тизим ясовчи элементлар ўртасидаги алоқалар сифатида ўрганишга қаратилган тадқиқот натижаларини ҳар томонлама мукамал ва чуқур таҳлил қилиш имконини берган;

педагог кадрлар малакасини масофадан ошириш тизимини “техник” – “технологик” – “мазмун” мезонлари асосида баҳолаш ва сифатини аниқлаш ҳамда масофавий таълимни ривожлантириш бўйича социологик сўровноманинг модификациялаштирилган ижтимоий шакли “Ижтимоий фикр” жамоатчилик маркази томонидан “Ўзбекистон ёшлари: ҳаётий кадриятлари, маънавияти, ижтимоий йўналишлари” мавзусидаги социологик

тадқиқот саволномасини такомиллаштиришда фойдаланилган (“Ижтимоий фикр” жамоатчилик марказининг 2018 йил 23 майдаги 01-16/186-сон маълумотномаси). Бу педагог кадрлар малакасини масофадан ошириш тизимидаги субъектларнинг (эксперт-мутахассислар, масофадан таълим берувчи педагоглар ва масофадан таълим олувчи тингловчилар) муносабатларини илмий асосда ўрганишга хизмат қилган.

тингловчиларнинг таълимга ижтимоий тайёргарлиги (оилавий шароити, турмуш тарзи, ишхона, таълим муассасаларидаги шарт-шароитлар) ва социал мослашуви (мавжуд вазиятда ўз имкониятларини баҳолай олиши, ўз хулқ-атворини мақсадга мослаштира олиш) имкониятларидан “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг “Ўзбекистон ёшлари: ҳаётий қадриятлари, маънавияти, ижтимоий йўналишлари” мавзусидаги социологик тадқиқот саволномасини такомиллаштиришда фойдаланилган (“Ижтимоий фикр” жамоатчилик марказининг 2018 йил 23 майдаги 01-16/186-сон маълумотномаси). Бу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши мамлакатимизда таълим соҳаси ислохотларида масофавий таълимни ривожлантиришни экспериментал тарзда ўрганишга, социологик сўровлар ижтимоий моҳиятининг бойишига, объективлиги ва ҳаққонийлигини таъминлашга хизмат қилган;

Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларини амалга ошириш натижасида юзага келаётган ижтимоий ўзгаришлар динамикасига негатив таъсир кўрсатувчи ижтимоий индикаторларнинг Ўзбекистонда масофавий таълимни жорий қилишга кўрсатаётган салбий таъсирга доир таклиф ва тавсияларидан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан 2018 йилда ўтказилган “Ёшларнинг муаммо ва эҳтиёжларини аниқлаш, уларни касбга йўналтириш, ишга жойлаштириш ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб қилиш” мавзусида ўтказилган социологик тадқиқотда ахборот-таҳлилий маълумот тайёрлашда ҳамда географик, ҳудудий хусусиятлари ва имкониятларини аниқлашда фойдаланилган (Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг 2018 йил 3 майдаги 11/224-сон маълумотномаси). Бу ижтимоий жараёнларга масофавий таъсир этиш технологиясини ҳамда фуқаролик жамиятининг турли институтларини комплекс ўрганишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 19 номда илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 143 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устивор йўналишлари билан боғлиқлиги асослаб берилган. Мавжуд социологик муаммоларнинг ўрганилиш даражаси ёритилган, мавзу бўйича хорижий мамлакатлардаги илмий изланишлар ҳолати билан танишилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари белгиланган. Илмий янгилик ва амалий натижалар баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий-амалий аҳамияти асослаб берилган. Натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертация ишининг ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **“Масофавий таълимни социологик тадқиқ этишининг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида масофавий таълимнинг тарихий шаклланиши, мазмуни, ижтимоий жараён билан уйғунлиги ва унинг ажралмас бўғини эканлиги, шунингдек, социолог олимларнинг масофавий таълим тушунчасига берган илмий, методик хулосалари таҳлил қилинган. Ўрганилган илмий манбалар ҳамда илмий ёндошув асосида “масофавий таълим” тушунчасига диссертант томонидан қуйидагича мустақил муаллифлик таърифи шакллантирилган: Масофавий таълим билим олиш жараёнининг турли алоқа воситалари (қоғоз, аудио ва видео узатувчи воситалар, компьютер, почта интернет, телерадиокоммуникация, спутник) ёрдамида масофадан туриб олиб борилиши бўлиб, анъанавий, электрон, сиртки, экстернат каби таълим ютуқларини масофавий тарзда етказиб бериш асосида ташкил этиладиган интеллектуал, ижтимоий, иқтисодий самарадорликка эга бўлиб, инсонни интеллектуал ривожлантиришга йўналтирилган таълим шаклидир.

Масофавий таълим назариясига оид яна бир мулоҳазали ҳолат шундаки, баъзи илмий адабиётларда масофавий таълим ва электрон таълим атамаларини айнан бир хил тушунча сифатида қайд этиш кузатилади. Бироқ, муаллиф томонидан олиб борилган илмий изланишлар натижасида электрон таълим масофавий таълимнинг корреспондент таълим, сиртки таълим, экстернат таълим каби кўринишларидан бири эканлиги аниқланди (1-расм).

Диссертацияда масофавий таълимнинг шаклланиш босқичлари техник, технологик, мазмун мезонлари асосида тадқиқ қилинган. Ўрганилган ҳолатлар юқоридаги мезонлар асосида тизимли ҳолда таҳлил этилган.

Диссертациянинг **“Педагог кадрлар малакасини ошириш тизимида масофавий таълимнинг шаклланиши”** деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистонда масофавий малака оширишнинг ўзига хос хусусиятлари социологик нуқтаи назардан тадқиқ этилган. Олий таълим тизимини такомиллаштиришда масофавий таълимдан самарали фойдаланган ҳолда

педагог кадрлар малакасини оширишнинг мазмун-моҳияти, малака ошириш методлари, шакллари, ўқитиш ва коммуникация воситалари, ўзига хос хусусиятлари, масофавий таълим орқали мутахассис малакасини оширишнинг муҳим жиҳатлари баён этилган. Мазкур бобда муаллиф томонидан масофавий таълим тўртта ўзаро боғлиқ бўлган омил асосида самарали фаолият кўрсата олиши илмий асосланган. Ушбу омиллар техник, технологик, функционал ва мотивацион омиллардан таркиб топади.



1-расм. Масофавий таълим шакллари

Техник омиллар: Бунда мутахассисни мустақил масофадан малака оширишига, масофавий таълим усуллари ва методларини, биринчи навбатда, компьютер технологияларига оид билимларни эгаллашига қаратилган шароитлар ташкили назарда тутилади. Булар масофавий таълимни жорий этишга шароит яратувчи замонавий техник таъминотнинг, хусусан, серверлар, оптик алоқа линияларига уланганлик, UPS қурилмалари, компьютер ва компьютер жиҳозлари, видео кузатув камералари ҳамда бошқа турдаги техник воситалар мавжуд бўлиши билан изоҳланади.

Технологик омиллар: Узлуксиз таълимнинг мураккаб жараён эканлиги, айниқса, таълимни масофадан олиб бориш, таълим олувчига махсус билимларни масофадан туриб коммуникация воситалари, интернет орқали етказиш профессионал ишлаб чиқилган дастурий ҳамда педагогик инновацион технологияларни жорий этишни тақозо этади.

Функционал омиллар: Масофадан таълим олувчини умуммаданий ва профессионал тайёрлаш компетентлигига эга бўлиши, шахснинг таълим жараёнига функционал қўшилиши, адаптациясини таъминлашга қодир

бўлган мутахассисларнинг комплекс фаолияти механизми ишлаб чиқилганлигини ва амалга оширишни кўзда тутади.

Мотивацион омиллар: Мутахассиснинг жамиятдаги ўрнини, унинг фикрий ва ҳаётий мақсадларини шакллантиришни, ижтимоий ва профессионал фаолиятидаги зиддиятли ҳолатларини конструктив енгиб ўтишни, шахснинг ўз кадрини кадрлашини мақсад қилади. Бунда масофавий таълим жараёнида педагогик ва психологик омилларнинг амалий аҳамияти сезиларли даражада кучаяди. Агар мутахассисда билим олишга барқарор талаб бўлмаса, таълимнинг бундай кўриниши самарали натижа бера олмайди. Бундай талаб шахсда мотивациянинг ривожланиши, ўқиш ва умуман таълим жараёнига нисбатан қимматли муносабатни тарбияланиши орқали шаклланади. Бунинг учун мутахассиснинг ўзи узлуксиз таълим соҳасида муайян йўналишда таълим олиш ёхуд малака ошириш мақсадига эга бўлиши лозим. Шахснинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатига, анъанавий таълимдан кўра масофавий таълимга талабининг юқори бўлиши унинг мотивациясини кучайтиради.

Шунингдек, мазкур бобда олий, ўрта-маҳсус касб-хунар таълими педагог кадрлари ҳамда халқ таълими ходимлари малакасини ошириш тизимида масофадан ўқитишнинг тадбиқ этилиши, такомиллаштирилишининг социологик жиҳатлари илмий асосда тадқиқ қилинган.

Диссертациянинг **“Малака ошириш тизимида масофавий таълимни ривожлантириш жараёни ва тараққиёт истиқболлари”** деб номланган учинчи бобда тадқиқот мавзуси бўйича олиб борилган тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари баён этилган.

Тажриба-синов ишлари тадқиқотнинг илмий янгилиги сифатида тақдим этилаётган «Ўзбекистонда масофавий таълим тизими шаклланиши ва ривожланишининг социологик таҳлили» мавзусидаги социологик тадқиқот дастури ва бу асосида муаллиф томонидан тайёрланган социологик сўровномалар мазмуни орқали олиб борилган. Таъкидлаш жоизки, тажриба-синов ишларининг муайян тартибда ва тасдиқланган дастур асосида ташкил этилиши ушбу жараённинг самарадорлигини таъминлади. Ушбу дастурга мувофиқ, социологик сўров ўтказиш уч йўналишда амалга оширилди:

1-йўналиш. Педагог кадрлар малакасини ошириш тизимида масофавий таълимни шаклланиши ва ривожланиши мавзусига бағишланган дастурнинг амалий аҳамиятини асослаш учун малака оширишга жалб этилган мутахассислардан иборат иштирокчилар орасида эксперт сўров олиб борилди. Сўровнома учун экспертлар уларнинг олий таълим муассасалари, халқ таълими ва педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида масофавий таълимни ривожлантириш жараёнига бевосита алоқадорлиги принципига асосан танлаб олинди. Экспертлар таркиби давлат таълим муассасаларида фаолият кўрсатишлари сабабидан, таълим жараёнига масофавий таълим учун зарур бўлган янги педагогик технологияларини тадбиқ этишда бевосита иштирок этадилар, уларнинг эгаллаб турган

лавозимларидаги иш стажи эса 5 йилдан ортиқ вақтни ташкил этади. Эксперт сўровда ҳаммаси бўлиб 30 нафар эксперт иштирок этди, шундан 50%дан кўпроғи 31-60 ёшдаги етакчи мутахассислардан иборат бўлиб, 80% экспертлар илмий даражага эга. Мазкур йўналишда 2015-2017 йиллар давомида педагог мутахассислардан иборат экспертлар орасида социологик сўровномалар ўтказилди.

Ўтказилган эксперт сўров натижаларига кўра мутахассисларнинг барчаси олий таълимда масофавий таълимнинг муҳим аҳамият касб этишини эътироф этганлар ҳамда масофавий таълимни ривожлантиришни секинлаштирувчи омилларни кўрсатиб ўтганлар (1-жадвал).

1-жадвал.

Таълим тизимида масофавий таълимни тадбиқ этишини секинлаштирувчи омиллар

Эксперт сўровнома натижалари бўйича ўрин	Экспертлар томонидан саволларга берилган жавобларнинг асосий мазмуни	Ўртача балл
1	Масофавий таълим тизимини ишлаб чиқиш, тадбиқ қилиш ва такомиллаштиришда молиявий ҳаражатларнинг юқорилиги	16,7
2	Зарурий техник, технологик таъминланганликнинг пастлиги	15,5
3	Масофадан таълим берувчи малакали профессор-ўқитувчиларнинг етишмаслиги	14,4
4	Олий таълим муассасаларида масофавий таълимнинг тўлиқ ўқув курслари мавжуд эмаслиги	13,1
5	Масофавий таълим сифатининг талаб даражасида эмаслиги	11,3
6	Соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар базасининг шакллантирилмаганлиги, механизм яратилмаганлиги	9,7
7	Масофавий таълим дастурларининг эътибордан четдалиги	7,9
8	Таълим муассасасининг етарли даражада компьютерлашмаганлиги, Интернет тармоғига уланиш ва фойдаланиш тезлигининг пастлиги	7,1
9	Масофавий таълим таълим муассасалари мутахассислари учун муҳим ўрин эгалламаслиги	4,3

2-йўналиш. Педагог кадрлар малакасини ошириш тизимида масофадан таълим бераётган юқори малакали педагоглар иштирокида анкета усули орқали социологик сўровнома ўтказилди. Анкета сўровида 10 нафар педагог иштирок этди. Иштирокчиларни танлаб олишда жорий ҳолатда фақатгина 10 нафар педагогнинг масофадан таълим бераётгани маълум бўлди. Мазкур тадқиқотда 100% респондент қамраб олинди.

3-йўналиш. Педагог кадрлар малакасини ошириш тизимида масофадан таълим олаётган тингловчилар иштирокида анкета усули орқали онлайн


социологик сўровнома ўтказилди. Иштирокчиларни танлаб олишда жорий ҳолатда 327 нафар тингловчи масофадан таълим олаётгани маълум бўлди. Анкета сўровида жорий ҳолатда масофадан таълим олаётган барча тингловчилардан иштирок этиш сўралди. Онлайн социологик сўровномада 327 нафар тингловчи иштирок этди.

Сўровномалар мазмунининг илмий таҳлили масофадан ўқитиш педагог кадрлар малакасини оширишда вақтдан унумли фойдаланиш, таълим хизматлари, методик талабларини кенг қамраш, ахборот ресурсларига бўлган талабни тўлиқ қондириш учун мақбул тизим ҳисобланишини асослади. Бирок, масофадан амалга оширилаётган таълим хизматининг сифати турлича баҳсга сабаб бўлмоқда. Сўровномада респондентлардан масофадан ўқитишнинг сифатига бўлган шахсий муносабатларини аниқлаш мақсадида “Сизнинг фикрингизча, масофадан ўқитиш технологиялари орқали сифатли таълим олиш мумкинми?” деб сўралганда, респондентларнинг 25,62%и ишонч билан “ҳа, албатта”, 32,67%и иккиланиб “менимча, ҳа”, 18,94%и “ундай бўлмаса керак”, 9,4%и қатъий “йўқ” деб жавоб бергани ва 13,37%и жавоб беришга қийналгани бунинг яққол мисоли дейишимиз мумкин (2-расм).



2-расм. Сизнинг фикрингизча, масофадан ўқитиш технологиялари орқали сифатли таълим олиш мумкинми?

Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда таълимнинг қайси шакли мақбул эканлиги юзасидан сўралган сўровга 64,25% респондент масофавий таълим шакли, 31,61%и таълимнинг кундузги шаклининг мақбуллигини таъкидлаган бўлсалар, 4,15% респондент жавоб беришга қийналдилар (3-расм).



3-расм. Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда таълимнинг мақбул шакли


Таълимнинг глобаллашуви ва ахборотлашуви шароитида педагогик кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг замонавий тизимида масофадан ўқитиш тизимининг тутган ўрни ҳақида сўралганда

респондентларнинг ярмидан кўпи (64,4%) бугунги кунда бундай технологиялардан фойдаланиш жуда зарурлигини, 27,5%и эса келажакда муҳим аҳамиятга эга бўлишини мълум қилдилар. Уларнинг 4,24%и жавоб беришга қийналган бўлса, 3,71% респондент педагогик кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг замонавий тизимида масофадан ўқитиш тизимига зарурат йўқлигини билдирдилар (4-расм).



4-расм. Таълимнинг глобаллашуви ва ахборотлашуви шароитида педагогик кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг замонавий тизимида масофадан ўқитиш қандай ўрин тутди, деб ҳисоблайсиз?


Ўқитувчиларнинг электрон таълим орқали масофадан туриб талабаларни ўқитишининг ривожлантирилишига 1% респондент “қарши”, 11%и “салбий”, 17%и “нейтрал” муносабатда бўлишига қарамай, уларнинг аксарияти, яъни 61%и “ижобий” муносабатда эканликларини билдирганликлари бу тизимни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этишидан далолат беради (5-расм).



5-расм. Ўқитувчиларнинг электрон таълим орқали масофадан туриб талабаларни ўқитиши ривожлантирилишига қандай муносабат билдирасиз?

Тажриба-синов ишлари натижасида тадқиқотга доир эмпирик материалларни тизимли умумлаштириш асосида педагог кадрлар малакасини ошириш тизимида масофавий таълимнинг ривожланганлик даражасини аниқлашга доир мезонлар (техник, технологик, мазмун) бўйича якуний ҳолатига оид мустақил хулосалар шакллантирилди.

Дунёдаги масофавий таълимни тараққий этиш тажрибасидан ҳамда мамлакатимизда амалиётга жорий этиш тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда, масофавий таълимнинг педагог кадрлар малакасини ошириш тизимида шаклланиши ва ривожланишини социологик тадқиқ этиш модели таклиф этилди (6-расм):



6-расм. Педагог кадрлар малакасини ошириш тизимида масофавий таълимнинг шаклланиши ва ривожланишини социологик тадқиқ этиш модели.

Диссертация ишида педагог кадрлар малакасини ошириш тизимида масофавий таълимга доир мезонлар, ривожланиш кўрсаткичлари ҳамда

усуллари, шунингдек, янада такомиллаштириш учун тўсқинлик қилаётган муаммо ва камчиликлар аниқланди.

Ривожланган мамлакатларда масофавий таълимнинг тараққий этиш тажрибаси ҳамда педагог кадрлар малакасини ошириш тизимида масофавий таълимни шакллантиришнинг жорий ҳолати илмий асосда ўрганилган ҳолда диссертант томонидан малака ошириш тизимида масофавий таълимни такомиллаштиришга оид муаллифлик модели яратилди.

Муаллиф таклиф этилаётган моделга мувофиқ ишлаб чиқилган малака ошириш тизимида масофавий таълим жараёнини шакллантириш ва ривожлантиришнинг модификациялаштирилган янги механизмини таклиф этади. Ушбу таклифлар 2-жадвалда ифодаланган.

2-жадвал.

Масофавий таълим жараёнини шакллантирувчи компонентлар ва механизмлар

Масофавий таълимни шакллантирувчи компонентлар	Масофавий таълимни шакллантирувчи механизмлар
Масофавий таълимга бўлган ижтимоий буюртмадаги ўрни	Ижтимоий буюртма талаблари асосида масофавий таълим тизимининг мувофиқлашиш механизми
Масофавий таълим асосини ташкил этувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар	Масофавий таълимни шакллантиришга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни амалиётга жорий этиш инновацион механизми
Малака оширишни масофадан ташкил қилиш тамойиллари	Масофавий малака оширишни шакллантирувчи компонентларни амалиётга жорий этиш тизими
Масофавий малака оширишни ташкил этиш шарт-шароити	Педагог кадрлар малакасини ошириш масофавий тизими орқали таълимни ривожлантиришнинг самарали механизмлари
Масофадан малака оширишни ташкил қилиш ва самарадорлигига бўлган ижтимоий талаб	Педагог кадрлар малакасини ошириш масофавий тизими ёрдамида мутахассисларнинг малака оширишга бўлган талабини шакллантириш
Масофадан малака оширишнинг самарадорлигини белгиловчи мезонлар	Малака ошириш тизимини шакллантиришда масофадан ўқитишнинг самарадорлик мезонларини илмий асослаш ва ишлаб чиқиш механизми

Масофавий малака оширишнинг ижтимоий самарадорлиги ҳисобга олинган ҳолда юқоридаги таклифларнинг амалиётга жорий этилиши мамлакатимиз таълим тизимининг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувини тезлаштиради. Мазкур механизм асосида масофавий малака оширишнинг ривожлантирилиши, модернизациялашуви ижтимоий, иқтисодий муаммоларни, хусусан, марказдан узоқ ҳудудларда истикомат қилувчи ёш болали аёллар, қарамоғида кекса ёки ногирон оила аъзоси бўлган, саломатлиги доимий равишда назорат қилиниши лозим бўлган ўқитувчиларнинг малака ошириши ва рақобатбардош мутахассис сифатида мамлакат ижтимоий тараққиётига ҳисса қўша олиши каби масалаларнинг оптимал ечими бўлади.

ХУЛОСА

«Ўзбекистонда педагог кадрлар малакасини ошириш тизимида масофавий таълимнинг шаклланиши ва ривожланиши» мавзусида олиб борилган илмий-тадқиқот натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Олиб борилган илмий изланишлар глобаллашув даврининг ижтимоий талабларидан келиб чиқиб жорий этилган педагог кадрлар малакасини масофадан ошириш тизимининг натижавийлик даражасини давлат ва жамият ҳамда буюртмачилар талабларини максимал ижро этиш, ушбу жараёни модернизациялаш заруратини тақозо этади. Шунингдек, масофадан малака ошириш субъектлари фаолиятидаги инновацион фаоллашув ижтимоий эҳтиёжга асосланганликни таъминловчи ташкилий-педагогик шарт-шароитларни, таълим сифати ва самарадорлигини янги босқичга олиб чиқиш имконини берувчи муҳим жараён мазмунини ифодалайди.

2. Педагог кадрлар малакасини масофадан ошириш тизими ўзаро боғлиқ бўлган техник, технологик, функционал ва мотивацион омиллар асосида малакали кадрлар самарали фаолият кўрсата олиш механизми мазмуни илмий асосланди. Ушбу тизимда ҳамкор субъектлар – тьютор, тармоқ ташкилотчилари, буюртмачи вакилларининг тингловчи адаптациясига ва мустақил таълим олишига бевосита таъсир этувчи функцияларини кенгайтириш, провард натижада тингловчидаги ахборотлашган муҳит тўсиғини енгиб ўтишга қаратилган мотивацион фаолияти кенгайди.

3. Педагог кадрлар малакаси виртуал педагогик технология тизимидаги иштирокчиларнинг (эксперт-мутахассислар, масофадан таълим берувчи орқали педагоглар ва тингловчилар) муносабатларини илмий ўрганиш, саралаш, мавжуд муаммо ва камчиликларни аниқлаш ва бартараф этишга йўналтириш, уни мунтазам модернизациялаш имконини берувчи «Ўзбекистонда масофавий таълим тизими шаклланиши ва ривожланишининг социологик таҳлили» мавзусидаги социологик тадқиқот сўровномаси амалиётга жорий этилиши мақсадга мувофиқ.

4. Педагогларнинг малака оширишга бўлган эҳтиёжини илмий асослаш ва социологик асосда тизимлаштириш педагог кадрлар малакасини масофадан ошириш ўқув мазмунининг талабларга кўра шакллантириш билан боғлиқ принципиал ҳаракатни тизимли амалга ошириш имконини беради.

5. Педагог кадрлар малакасини масофадан ошириш тизимини такомиллашуви жамият тараққиётидаги ижтимоий жараёнга бевосита таъсир кўрсатувчи ва унинг самарадорлиги билан боғлиқ «техник»-«технологик»-«мазмун» мезонлари илмий-методик, социологик жиҳатдан асослаш имкониятини яратади. Шу сабабли масофавий таълимнинг педагог кадрлар малакасини ошириш тизими шаклланиши ва ривожланишини социологик тадқиқ этиш модели ишлаб чиқилиши амалий аҳамият касб этади.

6. Масофадан ўқитиш малака ошириш соҳасида тўпланган илғор педагогик тажрибалар асосида ишлаб чиқилган масофавий малака оширишнинг интеграциялашган “Педагог кадрлар малакасини масофадан ошириш тизимини ташкил этиш модели” педагогларни ижтимоий қўллаб-

қувватлаш, таълим-тарбия борасида олиб борилаётган ўқитиш ва билиш жараёнидаги изчилликни кафолатлайди, ўқув жараёни тизимлилиги, тугалланганлик, яхлитлилигини таъминлайди.

7. Тингловчининг масофадан малака ошириш даврида иштирок этган субъектлар томонидан қўллаб-қувватланиши малака ошириш ва амалиёт узвийлигини таъминлаш, фан бўйича долзарб янгиликлар, олий таълимдаги ислохотларга оид зарур маълумотларни педагогларга етказиш, малака ошириш ўқув дастурлари мазмунини тизимли такомиллаштириб боришни таъминлайди ва масофадан малака ошириш жараёнини ташкил этилиши учун илмий-методик асос бўлади.

Таъкидлаш жоизки, мазкур илғор педагогик вазифани бажариш мамлакатимиз таълим тизими, педагоглар илмий савиясининг ўсиши, мамлакатда рақобатбардош замонавий мутахассис кадрлар тайёрлашга, натижада аҳоли фаровонлигига бевосита ижобий таъсир кўрсатади. Шу сабабли, мазкур фаолият бўйича замонавий ахборот технологияларини таълим тизимига жорий этиш ҳамда масофавий таълим бўйича илмий фаолият олиб бораётган етук мутахассисларни амалиётга кенгроқ жалб этилиши мақсадга мувофиқдир. Масофий таълим тизимини аҳолининг турли ижтимоий гуруҳ ва қатламлари учун касбий малака ва кўникма берувчи махсус ўқув муассасалари тарзида шакллантирилиши бўйича махсус илмий ҳайъат ташкил этилиши мазкур фаолиятнинг республикамызда инновацион технологиялар асосида ривожланишига амалий таъсир кўрсатади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSC.29.12.2018.S.23.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ АКАДЕМИИ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ ПРИ
ПРЕЗИДЕНТЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

МАННАНОВА НИЛУФАР ХОДЖАКБАРОВНА

**ФОРМИРОВАНИЕ И РАЗВИТИЕ ДИСТАНЦИОННОГО
ОБРАЗОВАНИЯ В СИСТЕМЕ ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ
ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ УЗБЕКИСТАНА**

22.00.03 – Социология общественного сознания и социальных процессов

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
СОЦИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент–2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.2.PhD/Sots12.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации размещён на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Научного совета (www.dba.uz/uz/tadqiqotchilarga/ilmiy-kengash) и информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Бекмуродов Мансур Бобомуродович,**
доктор социологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Ганиева Марифат Хабибовна,**
доктор социологических наук, профессор
Исроилов Бектош Эркинович,
кандидат философических наук, доцент

Ведущая организация: **Ташкентский университет информационных технологий**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2019 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.29.12.2018.S.23.02 при Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан. (Адрес: 100174, г. Ташкент, улица Ислам Каримова, 45. Административное здание Академия государственного управления при Президенте Республики Узбекистан __ этаж, ___-й кабинет. Тел.: (71) 232-60-47, факс: (71) 239-17-83, e-mail: info@dba.uz).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан (зарегистрировано за №___). (Адрес: 100066, г. Ташкент, улица Ислам Каримова, 45. Административное здание Академия государственного управления при Президенте Республики Узбекистан. Тел.: (71) 232-60-47.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2019 г.
(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2019 г.)

М.Б.Бекмуродов
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней,
доктор социологических наук,
профессор

А.Б.Юнусов
Учёный секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней,
кандидат социологических наук,
доцент

Ш.М.Содикова
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор социологических наук

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире модернизация развитых стран мира осуществляется в результате трансформации сферы образования и появления в обществе конкурентоспособных специалистов. Это в свою очередь создает потребность в развитии системы дистанционного повышения квалификации для широкомасштабной, быстрой и эффективной подготовки компетентных специалистов. По этой причине одной из актуальных задач в системе повышения квалификации педагогических кадров, являющихся субъектами обучения, становится внедрение инновационных информационных технологий и совершенствование дистанционного обучения.

В развитых странах созданы необходимые условия для повышения научной, практической, методической квалификации педагогических кадров, внедрены механизмы их социальной поддержки. В ведущих университетах мира, научно-исследовательских центрах проводятся научные исследования по развитию дистанционного обучения в системе повышения квалификации. В частности, осуществляются специальные исследования по анализу возможностей дистанционного обучения на национальном и международном уровнях, этапам исторического формирования, методам и механизмам организации, изменениям функций и свойств в соответствии с современными процессами. Результаты данных исследований обосновывают необходимость совершенствования содержания дистанционного обучения в системе повышения квалификации педагогов, разработки инновационных механизмов в соответствии с интересами государства и общества, формирования модифицированной модели.

Осуществляемые в Узбекистане кардинальные перемены ставят во главу угла быстрое внедрение современных знаний и умений в систему образования. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан определены задачи по дальнейшему совершенствованию системы непрерывного образования, повышения эффективности подготовки высококвалифицированных кадров»³. В этом смысле, концептуальное исследование организации дистанционного обучения, положительно влияющего на совершенствование системы повышения квалификации, осуществление социологических исследований, направленные на решение проблем с целью повышения эффективности подготовки высококвалифицированных кадров имеют важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлений Президента Республики от 20 апреля 2017 г. № ПП-2909 «О мерах по

³ Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». – //Собрание законодательных актов Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70.

дальнейшему развитию системы высшего образования», от 3 февраля 2018 г. № ПП-3504 «О совершенствовании деятельности Центра среднего специального, профессионального образования Министерства высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан», от 26 сентября 2017 г. ПП-3289 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы подготовки педагогических кадров, переподготовки и повышения квалификации работников народного образования», Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 27 февраля 2017 г. № 103 «О внесении изменений и дополнений в Положение о курсах переподготовки и повышения квалификации руководящих и педагогических кадров высших образовательных учреждений» и в других нормативно-правовых документах данной сферы.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики IV «Информатизация и развитие информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. Вопросы новой педагогической теории и практики использования современных технологий в системе дистанционного обучения квалифицированных кадров, их дидактические и методические основы, а также проблемы использования инновационных технологий дистанционного обучения в системе повышения квалификации педагогических кадров были изучены в работах таких отечественных ученых как: А.Абдукодиров, М.Арипов, У.Бегимкулов, М.Лутфиллаев, Н.Муслимов, А.Расулов, Н.Тайлаков, М.Рахматуллаев, Н.Рахмонкулова, зарубежных исследователей: А.Amadco, J.Baggaley, P.Goodwyn, T.Anderson, H.Kappel, V.Lehmann, J.Loerper, B.Holmberg, M.Dougiamas, P.Taylor⁴.

Кроме того, процессы повышения квалификации педагогических кадров исследовались в работах таких российских социологов как: А.Л.Абрамовский, А.Андреев, С.Богданова, Ю.Л.Баскакова, М.Л.Белоножко, Д.А.Иванченко, Е.А.Колганов, Н.А.Корнеева, И.А.Крутий, В.И.Солдаткин.

Теоретические, социально-экономические основы системы образования и повышения квалификации педагогических кадров, вопросы совершенствования менеджмента качества образования, социологические вопросы информатизации общества нашли отражение в трудах таких отечественных ученых, как: М.Бекмуродов, А.Умаров, М.Ганиева, А.Холбеков, А.Муминов. О.Абдуазимов и др.

Проблемы дистанционного обучения, повышения квалификации педагогических кадров, развития профессиональной компетентности учителей исследовались в работах отечественных ученых А.Аминова, А.Аскарлова, Н.Елдашевой, А.Ибраимова, Д.Сайфурова, Ш.Шарипова, М.Яхьяева, зарубежных исследователей: А.Bates, Z.Berge, J.Daniel,

